




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАХАР ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 120 (9.464) 2000 йил 9 октябрь, душанба Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Мамлакатимизда

- ◆ Япония молия вазирлигининг Сийсий тадқиқотлар институти президенти Хироюсу Ватанабэ бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигига ташриф буюрди. Ушбу ташриф пайтида мавжуд ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, соҳа мутахассислари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда ҳам бўлиб, музокара ўтказди.
- ◆ «Зафаробод туман пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти Швейцарияга янги пахта ҳосилдан олинган дастлабки 300 тонна пахта толасини жўнатди.
- ◆ Қашқадарё вилоят ҳокимлигида кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.
- ◆ **Эртага** Уэксномарказда «Экспо — Италия — 2000» кўргазми очилади.
- ◆ Нукусда жаҳон андозалари асосида барпо этилган «Амударё» соғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилди.
- ◆ Республика Байналмилал маданият марказида таниқли маърифатпарвар, журналист ва таржимон Маъруф Расулийнинг 100 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди.
- ◆ Самарқандда «Алпомиш ўйинлари» II вилоят фестивали ўтказилди. Энди нават Фарғонага. Бу ерда 12-14 октябрь кунлари миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича «Алпомиш ўйинлари» II фестивалини ўтказиш режалаштирилган.

Жаҳонда

- ◆ **Бугун** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Қозоғистонга икки кунлик ташрифи бошланади. Музокаралар чоғида Касбий ва минтақа хавфсизлиги муаммолари муҳокама этилади.
- ◆ Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси парламент сайловларига олтига партия ва битта сиёсий блокни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазлумки, парламент сайловларини ўтказиш 5 ноябрга мўлжалланган.
- ◆ **Кеча** Беларусининг 20 дан зиёд шаҳарларида кейинги ҳафтада ўтказилиши мўлжалланган умумий сайловларни бойқут қилиш бўйича муҳолифат давлатини қўллаб-қувватловчи намоёнлар бўлиб ўтди.
- ◆ Россиянинг собиқ президенти Борис Ельцин шанба кунини ўтказилган ўзининг «Президентлик марафони» китобининг тақдиротида қатнашди.
- ◆ Колумбия Президенти Андрес Пастрана наркотик ишлаб чиқариш ва контрабандага қарши кураш бўйича «Колумбия режиси» деб аталган махсус операциялар мажмуини эълон қилди. Операциялар мамлакат армияси томонидан амалга оширилди.
- ◆ Европа Иттифоқи суди қитъада тамаки маҳсулотлар рекламасини тақиқловчи қонунни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.
- ◆ **Бугун** Люксембургда Европа Иттифоқининг мажлисида Европа Иттифоқининг Югославияга нисбатан жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Эртага эса ҳозирги пайтда Европа Иттифоқининг амалдаги расми бўлган Франция ташқи ишлар вазири Белградга ташриф буюради.
- ◆ **Кеча** Литвада парламент сайловлари бўлиб ўтди.
- ◆ **Кеча** Польшада президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Кейинги беш йил мобайнидаги давлат раҳбари лавозимига ўн икки номзод даъвогарлик қилди. Дастлабки маълумотларга қараганда сайловларда давлатнинг ҳозирги раҳбари А.Квасневский галаба қозонди.
- ◆ Серб муҳолифатининг етакчиси Воислав Коштуница қасамд қабул қилиб, расмий равишда Югославия Президенти лавозимини бажаришга киришди. С.Милошевич уни ана шу лавозимга сайланганлиги билан табриқлади.
- ◆ Шри-Ланка Президенти Чандрика Камаратунга ҳукумат тамил исёнчилари билан бошқа музокара ўтказмаслигини айтди.
- ◆ Бирлашган Араб Амирликларида жароҳатланган фаластинликларни даволайдиган бир қанча госпиталлар очилди.
- ◆ **Кеча** Кишиневда қўғирчоқ театрларининг халқаро фестивали очилди.
- ◆ **Кеча** Санкт-Петербургда шаҳар фаввораларининг тантанали равишда ёпилиши бўлди.
- ◆ **Кеча** Сахалинда Рихтер ўлчови бўйича 5 баллгача бўлган куч билан ер силкиниши рўй берди. Халок бўлганлар ва вайронгарчиликлар йўқ.
- ◆ **Бугун** Пекинда Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг пленуми очилди. Унда асосий эътибор коррупцияга қарши кураш масалаларига қаратилди.
- ◆ **Бугун** Шимолий Корея раҳбарининг ўринбосари Вашингтонга келди. Бу ерда у АҚШ Президенти Б.Клинтон билан учрашди. У АҚШга ташриф буюрган Шимолий Кореянинг энг юксак мартабали амалдоридир.
- ◆ **Бугун** Японияда Миллий спорт кунини нишонланади.
- ◆ Япония гарбидаги Хонсу оролида рўй берган кучли zilzila оқибатида жароҳатланган кишиларнинг сони 106 тага етди. 1500 дан зиёд бинолар шикастланди. 3000 дан зиёд киши бошқа жойларга қўчирилди.
- ◆ Сүперюлдүз номини олиб юрган Майк Тайсон яна рингга тушиши мумкин. Темир Майкка бу сафар польшалик Анжеем Голот талаб солди. Ушбу жанг учун 20 октябрь танланди. Бироқ, баъзи масалалар ҳал бўлмаётганлиги сабабли мазкур кун аниқ муҳлат дейилмаяпти.
- ◆ Американинг Миннеаполис шаҳрида (Миннесота штати) «Хуфёна ароксўрлар» ташкилотининг 11-халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда «шайтон суви» ни ичишни ташлашга қатъий аҳд қилган 87 мамлакатдан 50 мингга яқин киши иштирок этди. Анжуман қатнашчиларининг сузларига қараганда ушбу форум ичишни бас қилмоқчи бўлган ҳар бир шахсга бу ёмон одатни ташлашга қулай имконият яради.



МЕХНАТДА ФИДОЙИЛАР

Ҳар бир инсоннинг ўз касбини ихлос қўйишида ҳикмат кўп. Бинобарин, касбини севган кишининг ишлари ҳам бароридан келади.

Демак, ўйлаган режа бажарилади. Шаҳримиздаги меҳнат жамоаларида ўз касбига ана шундай ихлос қўйган кўплаб фидойилар ишлашади. Оқоридидаги чапдаги суратда бир-бирлари билан қизгин бахслашиб турган қурувчилар кўлидан чиқаётган бинолар шаҳримиз кўрқига кўрк кўшмоқда. Пастдаги суратда кўкка буй чўзиб турган яна бир замонавий бино қурилишида фидойи бунёдкорларимизнинг улуши салмоқдир. Бу ўйнинг қалитларини ҳадемай оладиган ҳамшаҳарларимиз зўр қувонч билан уй тўйлари ўтказишади. Ана шундай қувончли кунларга чиройли ва ярашқили либосларни кийиб боришга нима етсин. Шу жиҳатдан олганда юқоридидаги ўнгдаги суратда тасвирланган Гулнора Ҳамдамова ва Нозима Зокироваларнинг аёлларимизга тикатган либослари ўзининг бежиримлиги билан ажралиб туради. Бу чеварлар Бектемир туманида ишга туширилган майишчи хизмат биносидидаги тикувчилик цехида меҳнат қилишади.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ҳузурда тузилган ишчи гуруҳнинг мажлиси бўлди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Марказий банк, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди. Мажлисни мазкур қўмита раиси, ишчи гуруҳ раҳбари А.Аҳдов бошқарди.

Мажлисида макроиктисодий курсаткичлар истиқболлари ва 2001 йилнинг Давлат бюджети лойиҳаси кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг лойиҳаси ва макроиктисодий курсаткичлар истиқболлари Президент Исрол Каримовнинг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларга асосланиб ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетининг лойиҳасида макроиктисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, инфляция даражасини пасайтириш ва бюджет тақчиллигини камайтириш, фаол инвестиция сиёсатини ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар ўз аксини топган. 2001 йилда иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилиб, ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар, товар алмашинуви ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг ўсиши давом этади.

Бюджетнинг даромад қисми тадбиркорларнинг фаоллигини ошириш, жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни тақомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга солиқларни янада камайтириш, билвосита солиқлар ва ресурс тўловлари улушининг бирмунча ўсиши ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилиши қайд этилди.

2001 йилда аҳолининг иқтисодий муҳофазасини таъминлаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастурини амалга ошириш, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш Давлат бюджети харajatлар қисмининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Шунингдек, мамлакатнинг муҳофаза солоҳияти ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича харajatларни тўлик молиялаш назарда тутилган.

Мажлисида макроиктисодий курсаткичларнинг истиқболлари ва 2001 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига, сиёсий партиялар фракцияларига ва депутатлар блокларига ҳар томонлама ўрганиш ва муҳокама этиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлат бюджетининг лойиҳаси юзасидан берилган тақлиф ва мулоҳазалар ишчи гуруҳда, Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашига тақдим этилиши айтиб ўтилди.

(ЎЗА).

Янги тур маҳсулотлар

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзбеккабель» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўзининг хариддорлиги билан ажралиб туради.

Бозор иқтисодиёти талабларини тўғри англаган корхона тадбиркорлари барча цехларни юксак унумли замонавий ускуналар билан жиҳозлашга, маҳсулотларнинг сифатли турларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратишган. Утган ярим йилда жамоада маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,6 фоизга кўпайди. Истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми 304,0 миллион сўмга етказилди ва ўсиш суръати 2,3 фоизга ошди.

Маҳсулотларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича ҳам ўтган йилга нисбатан ўсишга муваффақ бўлинди. Жумладан, корхонада тайёрланаётган назорат кабели 2,6, бронкабель 1,3, шаҳар телефон алоқа кабели 0,7, ёритиш шнурини 1,6, радиочастота кабели 1,1, ўрнатиш ўтказгичи эса 8,7 мартаба кўп ишлаб чиқарилди.

Корхонанинг энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангани, уларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг малакаси янги маҳсулот турларини тайёрлашда қўл келмоқда. Яқинда ушбу корхонада яна бир неча тур маҳсулотини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Булар кучли ўтказгич ва ўрама ўтказгичлардир. Янги маҳсулотларга ҳам буюртмачилар сони ортиб бормоқда.

Дилдора ФАНИЕВА.

«Ўзбектранскурилиш» давлат уюшмасига қарашли «Гипротранс» жамоа корхонаси муҳандис ва меъморлари томонидан яратилаётган мукамал лойиҳалар темир йўл иншоотларини бунёд этишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЛОЙИҲАЛАР САЙҚАЛ ТОПГАН

Темир йўл хизмати фаолиятини янада яхшилаш мақсадида юзага келган наватдаги лойиҳалар мажмуаси бу йил бунёд этилаётган йирик қурилишлари олиб боришда муҳим омил бўлади.

— Темир йўл кўприкларини лойиҳалари ҳам мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди, — дейди «Гипротранс» жамоа корхонасининг ижрочи директори Рустам Рўзиев. — Республика-миз Мустақиллигининг 9 йиллигига муносиб совға бўлган йирик иншоот — Тошкент — Ангрэн темир йўли йўналишининг янги кўприги ҳам замонавий лойиҳа бўйича кўриб битказилди. 215 метрли бўлган бу мустаҳкам иншоотни 7-кўприк қурилиш трестига қарашли 13-кўприкчилар гуруҳи қурувчилари бунёд этишди. Чирчиқ дарёси устидан ўтган мазкур кўприк қурилиши учун 570 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бизнинг изланувчан мутахассисларимиз Ангрэн — Поп темир йўли линияси лойиҳаси устида ҳам иш олиб борадилар. Ана шу йирик темир йўл иншоотини қуриш жараёнида кўприкларни бунёд этишга ҳам тўғри келади.

Пойтахтда олиб борилаётган қўллаб йўл қурилишлари лойиҳалари ҳам бирин-кетин амалиётга татбиқ этилмоқда. Мустақиллигимизнинг кутлуг 9 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган осма йўллар шулар жумласидандир. Шаҳримизнинг Салор, Бўёсув каналлари устидан ўтган темир йўл кўприklarининг бунёд этилишида корхонанинг муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда мутахассислар янги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Улардан бири шаҳримизнинг Буюк Ипак йўли шоҳқўчасида йўлнинг тепасидан кўприк қилиб ўтказилаётган йўллар лойиҳасидир. Темир йўл вокзаллари биноларини бунёд этиш билан боғлиқ янги лойиҳалар ҳам наватда билан бирин-кетин юзага келади. Шу яқин вақт ичида эса пойтахт темир йўл вокзалининг замонавий иншооти лойиҳаси ҳам яратилади. Айни вақтда улар Тошкентнинг кичик автомобиль Халқа йўлини лойиҳалашга киришадилар.

Темир йўл лойиҳачиларининг бу изла-нишлари республикамиз пойтахтининг янада гўзал, янада кўркам қиёфа касб этиши-да муҳим меъморчилик омилли бўлиб хизмат қилмоқда ва уларни янги-янги ишлар-га ундамоқда.

Акбар АЛИЕВ.

БЕЖИРИМ ҚАДОҚЛАНМОҚДА

Шаҳримизда ҳамшаҳарларимиз дастурининг сифатли ва тўғри йўналишда бўлиб ўтган лойиҳаларини йўлга қўйишда кичик корхоналар талайгина.

Ана шулардан бири «Лочира Мак» масъулиятли чекланган жамиятидир.

Жамоа ишчи-хизматчилари томонидан замонавий линияларда ишлаб чиқарилаётган макарон ва қандолат маҳсулотлари хариддорларга манзур бўлмоқда. Яқинда эса корхонада 4 хил турдаги макарон ва вермишель маҳсулотлари тайёрла-ниб, бежирим қадок-ланган ҳолда савдо дўконларига чиқарилди.

Дилфуза ҒОҒУРОВА.

Футбол

Футбол ишқибозлари ортиб кутган Осиё чемпионатининг финал ўйинлари бошланишига ҳам бор-йўғи 3 кун қолди. Мазлумки ушбу нуфузли мусобақадда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этишади. Терма жамоамиз Ливанда ўтказилаётган ушбу мусобақаларнинг дастлабки босқичида Япония, Саудия

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ҒАЛАБАСИ

Арабистони ва Катар терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар

Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатида тайёргарликнинг энг сўнгги синув учрашувини Тошкентнинг «Пахтакор» стадионида Туркменистон терма жамоасига қарши ўтказди. Ушбу ўйин терма жамоамиз учун ҳам ўзига хос синув учрашуви бўлиши табиий эди. Сабаб терма жамоамиз ордан 3 йил ўтибгина «Пахтакор» стадионида ўзга терма жамоа билан куч сынашаётган бўлса, айнан шу учрашув Ливанга бо-радиган 22 футболчимизни аниқлаб беради. Энди учрашув ҳақида икки оғиз. Аввало терма жамоамиз таркибининг ташкил этаётган Россия, Украина жамоаларида тўп сураётган легионерларимиз майдонда тўлиқ ҳаракат қилиш-ди. Ва ўзбекистонликлар 3:0 ҳисобида галаба қозо-нишди. Туларни меҳмонлар дарвозасига Рустам Дўрмонов ҳамда Максим Шапких (2 марта) киритишди.

Осиё чемпионати мусобақалари 12 октябрь кунини бошланади. Ўзбекистон терма жамоаси эса 14 октябрда ўзининг биринчи учрашувини Катар терма жамоасига қарши ўтказди.

Акбар Йўлдошев.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газетасига 2001 йил учун обуна бошланди!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда.

Келажакка юз тутган шахар

Авал хабар қилганимиздек, Тошкент шахар ҳокимлигида бўлиб ўтган йилгида пойтахтни 2015 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бош режасининг лойиҳаси муҳокамага қўйилганди. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа бўйича муҳокамалар давом этмоқда.

Мазкур режа лойиҳаси мезморчилик ва лойиҳалаштириш бош бошқармаси буюртмасига асосан бир неча илмий лойиҳалаштириш институтлари кучи билан тайёрланган. Мутахассислар томонидан эса бу режа аввалгиларидан деярли фарқ қилади ва шахарсозлик тарихида охириги 10 йиллар ичида қилинган биринчи йirik ишлардан бири деб эътироф этилди.

Мазкур лойиҳанинг раҳбари, Тошкент шахар бош режаштириш илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти директорининг ўринбосари Юлия АКОПЖАНЯНдан янги лойиҳанинг аҳамиятга эга хусусиятлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Сўз бошида бир нарсага тушунтириш киритмоқчиман. Лойиҳа деганда биз, мутахассислар, аниқ режаларни назарда тутамиз. Ҳозирги кунда шахарнинг, айниқса пойтахтнинг 15-20 йиллик истиқболли белгилловчи бош режаси аниқ белгилар билан эмас, балки схематик равишда, яъни умумий чизмалар асосида кўрсатмалар яратилиши, кейинчалик эса унинг асосида ҳар бир соҳа бўйича аниқ 3-5 йиллик ривожланиш лойиҳаларини тузиш кераклигини вақтининг ўзи тақозо этмоқда. Чунки кўпчиликка маълумки, шахарнинг аввалги бош режа лойиҳасида белгиланган кўрсаткичларга анча янгилик ва ўзгаришлар киритилди ва буни табиий ҳол деб ҳисоблаш керак. Шунинг учун ҳам муҳокама қилинаётган лойиҳанинг янги бош режасининг схемасини Тошкентнинг 2015 йилгача бўлган умумий шахарсозлик модели деса бўлади.

нусхаси фақат Ҳазрат имом масжиди ва унинг яқин ён-атрофидаги кичик қурилмалардан иборат бўлиб, қолган ҳудудларда янги қурилушлар бошланиши керак эди. Натيجадда Эски шахарнинг бутунлай тарихий қимматини йўқотишга йўл қўйилиши мумкин эди, чунки сақланиб қолинадиган марказ — бу атиги кичкинагина ҳудудни ташкил қиларди ва бу «орол» янги қуриладиган иншоотлар олдида чумолидек йўқолиб кетиши ҳеч гап эмасди... Кейинчалик ҳам, Каминскийдан ташқари, Эски шахар бўйича яна кўп изланиш ва дастурлар бўлди, аммо...

Хуллас, айтмоқчиманки, бизнинг режа бўйича Эски шахар шундай қилиб сақлаб ҳамда ривожлантиришга йўналишлар берилганки, уларнинг бариди аввало шу ер аҳолисининг манфаатлари кўзда тутилган, яъни қайси йўналиш Эски шахарликларга маъқул ва қулай бўлса, шунини амалиётда қўллаш инобатга олинган.

Эски шахар — мукаммал ечимли катта шахарнинг ичидаги кичик шахар деса бўлади. Шунинг учун ҳам унинг келажакдаги ҳал этаётганда, ўта эҳтиёткорлик билан иш олиб бориш даркор. Режада шахарнинг бош тузилиш кўчалари — Сағбон, Форобий, Қорасаройларни ободонлаштириш масаласига катта аҳамият берилган. Қадимий Кайковус атрофини ҳам кўкаламзор қилиб, унинг асосида шу ерда сайилгоҳ ташкил қилиш мўлжалланган.

Лекин баъзи бир жойларни бузишга ҳам тўғри келади ва буни инкор этиш бўлмайди, чунки аҳоли яхши яшаш учун газ, канализация ва ҳар бир хонадон сув билан таъминланиши керак. Бу шароитларни уларга яратиб бериш — барчанинг асосий бурчи бўлиб қолиши керак, деб ўйлайман.

Амалиётда бу ишлар қандай бориши бўйича барча соҳа мутахассислари билан келишилган ҳолда ҳисоб-режалар олиб борилди. Эски шахарни аниқ режаштириш лойиҳасида бу ўзгаришлар



Ёшлар — мамлакатимиз келажиги.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оша бориши билан меҳнат унумдорлиги ва унинг самарадорлиги тўхтовсиз ошиб боради. Бунинг оқибат натижасида ортиқча ишчи кучи табиий равишда пайдо бўлиб боради. Аҳолининг табиий ўсиб бориши ҳисобига ҳам йил сайин ёшлардан иборат янги ишчи кучлари этишиб чиқади.

Республикаимизда ана шу табиий қонуниятни эътиборга олиб, аҳолини иш билан таъминлаш, янги технологиялар ва юксак самарали ишлаб чиқариш воситаларини кенг қўллана бориш натижасида юзга келадиган ўша ортиқча ишчи кучларини банд этиш бўйича махсус давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у

750 кишидан ошмаяпти.

Албатта, бунда шахар бошқармаси ҳамда туманлардаги «Бандлик» хизмати ходимларининг ўз ишларида жонқуярлик билан қараб, меҳнатқашлар ижтимоий ҳимоясининг бу муҳим соҳасида изчил фаолият юритаётганлари ўз самарани беряпти. Аънонага айланган

ганлари сўралганда, улар «тижорат билан шуғулланганман» дейдиган бўлишган. Уларнинг ота-оналари ҳам шундай деб ўйлашади. Лекин бу ёшлар аниқ қандай тижорат билан ёки бирон машғулот билан шуғулланаётганларини на маҳалла шўмтасидигилар ва на ота-оналар қаттиқ суриштиришмайди. Милициянинг участка вакиллари, хотин-қизлар кўмиталари-ю, бошқа жамоат ташкилотлари ҳам шу масалада фаоллик кўрсатаётганликларини сезиш қийин. Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси тизимидаги ташкилотлари? Улар ҳақида ҳам оғиз тўлдириб мамнун бўлиб қолмайди.

дир этиш, гиёвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар рўй бераётганлиги таъкидланган. Қорорнинг асосий моҳияти ўсмирлар ва йигит-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва бу борада маъқул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ишларини мувофиқлаштириш, янада тақомиллаштиришга қаратилган.

Қорорда таъкидланганидек, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш ишларини қарийб тўхтаб қўйганлиги кишини айниқса таассуфлантиради. Айнан шу комиссиялар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот»

Ёшлар ва бандлик муаммолари

МУНОСИБ ВОРИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

қолган иш жойлари ярмаркаларининг махсус график асосида барча туманларда ўтказиб келинаётгани ҳам яхшигина иш беряпти. Бундай ярмаркаларга шахарнинг барча туманларидаги ишсизлар бандлик бўлиб қолганларнинг кўрсаткичи ҳам айнан шундай қолди. Шу ярмаркалар туфайли анча-мунча иш қидирувчилар ўзларига мос ишларни топиб кетишмоқда. Ишсизлар сонининг йўл қўйилиши мумкин бўлган микдордан доимий паст бўлиб келаётгани ҳам бандлик соҳасида таъсирчан иш олиб борилаётганидан далолат бериб турибди.

Айрим ёшларнинг аниқса, кам таъминланганлар қаторига кирувчи оилалар фарзандларининг айримлари жамиятга наф келтирмайдиган ишларга қўл уриши, бозви диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиши каби таассуфли воқеалар айнан шундай тартибсиз ишимизнинг оқибати эмасми?!

Бекорчидан — худо безор, деб беҳиз айтишмаган. Ахир ўсмирлар ва умуман ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиши ҳам ана шу бекорчиликдан келиб чиқади. Уларнинг жамият учун номақбул ишлар билан шуғулланиши, ўзларини «ўтга-қўққа уриши, ниҳоят ёт гоёлар, ақидалар таъсирига тушиб қолиши ҳам айнан шу бекорчилик туфайли, ота-она, мактаб, маҳалла, жамоатчилик томонидан етарли назоратнинг йўқлиги оқибатида юз беради.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида» қарори мурчи оқибатида эга. Қорорда вояга етмаганлар ўртасида, жумладан, ҳуқуқий-тарбиявий ишлар суъсайтириб юборилгани, улар устидан назоратнинг бўлиши, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар конкорли даражада ҳал этилмаётганлиги ҳамда бунинг оқибатида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар со-

жамғармаси бошқа жамоат ташкилотларининг мустақкам ҳамкорлигида иш олиб боришни ташкил этишга бош-қош бўлишлари керак.

«Мактаб — маҳалла — оила» — мана шу учликнинг биргаллигидаги фаолияти, улар ёнида маҳаллалардаги хотин-қизлар кўмиталари, участка милиция вакиллари, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи маъмурий органлар ходимлари биргалликда иш олиб боришлари ёшларни ёт таъсирлардан асраш, уларни тўғри йўлга йўналтиришда катта самара беради. Ҳар бир ўсмир, ҳар бир йигит ёки қизнинг нима билан шуғулланаётгани билан маҳалла фаоллари астойдил қизиққан жойларда эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Қолаверса, хотин-қизлар кўмиталари аъзолари ҳар бир оиладаги ота-оналар-у, болаларнинг аҳолини яхши билишди.

Президентимизнинг ёшларни, фарзандларимизни ҳеч қилма бермаймиш, деган ва келажак авлодга чуқур ғамхўрлик рамзи бўлиб қолган давлатлари ҳаммамиз учун ва айниқса мутасадди ташкилот ва идоралар, жамоат ташкилотлари учун дастурул амал бўлиб қолиши керак. Зеро, умумфаровонлик демократик жамият барпо этиш бўйича соғий-ҳаракатларимиз натижаси ана шу ёшларимизни қандай тарбиялашимизга бевосита боғлиқ.

Саид ВАЛИЙ.

МАҚСАД — ПОЙТАХТНИ ЯШНАТИШ...

Тошкентнинг охириги 20 йиллар давомида аҳолиси, ҳудуди, халқ ҳўжалик комплекси юқори кўрсаткичларга эга бўлди деб таърифлаш мумкин. Мустақиллик йилларида эса барча ўтиш даврининг мураккабликларига қарамастан, шахаримиз янада ривож топди ва бугунги кунда ҳар бир соҳада барқарорлик таъминланди ва эндиликда пойтахтимиз ривожланишида юқори салоҳиятга эга шахар десак адашмаймиш. Шахарнинг юксак имкониятлари бир томондан авваламбор унинг иқтисодий-географик жойлашиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан пойтахт барча муаммоларни ечишга мушарраф бўлган илм-фан, техника соҳаларидаги интеллектуал салоҳияти билан ҳам ажралаб туради. Шу қаторда бу ерда йirik, кўп тузилмалли сановат комплекси, муҳандис-техник ва транспорт тизимлари ҳамда машиий хизмат кўрсатиш соҳалари кенг ривож топган.

Лекин ижобий кўрсаткичлар билан бирга ана муаммолар мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди, энг муҳими эса — бу йилиқларни самарали ишлатиш муаммосидир, айниқса ерни. Ер — бу энг муҳим иқтисодий манба ҳисобланади. Аввалги йилларда бунга етарли эътибор берилмасди, яъни уй-жой, жамоат, сановат қурилишларида ердан унумли фойдаланилмасди. Натижадда шахар атроф томон, қишлоқ ҳўжалик ерларига тарқалди, табиатнинг экологик ҳолатига кескин таъсирини кўрсата бошлади.

Янги 2015 йилгача тузилган шахарнинг бош режасида шу муаммо ва камчиликлар инобатга олинган ҳолда, аввало Тошкентни халқ ҳўжалик функцияларидан халос этиб, кўпроқ уни пойтахт шахар функцияларига аҳамият қаратилган, яъни бошқарув, халқорлик ҳамкорлик, маданият, сановат, илм, техника, юқори малакали кадрларни тайёрлаш соҳаларини ривожлантиришга эрк берилган.

Бош режада пойтахт аҳолиси унумли меҳнат қилиб, вақтида дам олиши учун ҳамда шахарнинг экологик ҳолатини яхшилаш борасида кўпроқ ҳордиқ чиқариш масканларининг барпо этилиши ва бу ўринда Бўсов, Анҳор, Бўржар, Сапар каналларидан унумли фойдаланиши йўллари сарҳисоб қилинган. Натижадда 2015 йилгача ҳар бир кишига кўкаламзорлаштирилган майдон ҳажми 10-12 квадрат метрни ташкил қилади, бу бугунги кун билан солиштирилганда икки баробар кўпроқни ташкил этади.

Тошкент республикада энг йirik иқтисодий марказ ҳисобланади. Бош режада ҳам шахарнинг ана шу томонига айниқса, эътибор қаратилди. Аммо келажакда шахар сановат маркази сифатида тан олинмасдан, балки унинг кўпроқ молиявий-иқтисодий томондан ривожланиши кераклигини инобатга олиниб, пойтахтда бозор иқтисодиёти тизимларига оид тегишли иншоотлар барпо этиш мўлжалланган. Пойтахтнинг сановат маъмуси кўпроқ экспорт салоҳиятини кучайтиришга ҳамда илмий изланишлардан ташкил топган махсуслотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

— Юлия Қодирова, маълум бўлишча, бош режанинг схемасида Эски шахарнинг кўриниши ҳам ўз аксини топган. Бу каби тарихий обидаларнинг келажакдаги «ҳайти» тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам бош режада тарихий Эски шахарга алоҳида эътибор қаратилган. Шу ерда яна бир нарсани айтишни жоиз деб билимиз. 70-йилларда машҳур меймор Каминский томонидан Эски шахар бўйича бир неча лойиҳалар тузилган ва уларнинг бариди меймор Эски шахарнинг тарихий қадриятларини сақлаб қоллишга интилган бўлса ҳам, лекин унинг лойиҳалаштириш ечими асосий мақсадга қарши бўлиб қичди. Каминский лойиҳаси бўйича Эски шахарнинг асл

нинг ҳаммаси белгиланиб қўйилди. Ва ишонтириб айтманки, Эски шахар устидан олиб бориладиган барча ишлар шу ер аҳолисининг фаровонлигига қаратилди.

Ҳозирги кунда бу ердаги айрим иншоотларнинг, жумладан уй-жойларнинг санитар, сейсмик жиҳатидан лойиқ ёки нолойиқ эканлиги кўпчиликда ташвиш уйғотмоқда. Шу вазиятларни ҳисобга олган ҳолда келажакда Эски шахарда кўпроқ бир қаватли уйлар қурилишига эътибор қаратилиши мумкин. Лекин бугунги кундак бу ерда таъмирлаш ишлари ўз ҳолича кетаётганини инобатга олиб, дарҳол шахар, туман маъмуриятлари, мутасадди идоралар томонидан тегишли сейсмик, санитар, ҳуқуқий тавсиялар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Эски шахар ҳақида яна шунини қўшимча қилмоқчиман: қадимда Тошкент қалъа девор билан ўралиб, 12 йўналиш бўйича уни бошқа шахарлар билан боғловчи 12 та дарвозаси бўлган. Бизнинг бош режада ана шу қалъа девори кўкаламзор йўлка-кўчаларда аксини топган, шахар дарвозалари эса бугунги «Самарқанд-Дарвозаси» ноҳисаси каби мейморлар иншоотлар билан белгиланиб қўйилган.

— Маълумки, уй-жой қуриш — энг муҳим ижтимоий масала бўлиб қолмоқда. Янги режа бўйича пойтахтимизда эндиликда асосан 3-5 қаватли уй-жойлар қурилар эмиш...

— Ҳар бир ўзбек оиласининг азалдан мерос бўлиб келган бир яхши одати бор — бу кичкина бўлса ҳам уй қуриб, ерда яшаш. Қолаверса, бу нафақат миллий қадрият ҳисобланади, балки умуминсоний ҳамдир. Лекин нима бўлганда ҳам, катта, пойтахт шахрида бундай имкониятлардан фойдаланиш ҳаммага ҳам наис эътавермайди. Ва бу тушунарли бўлса керак. Режамиз асосида шахар марказида ҳусусий уйлар қурилиши анча қисқаради ва улар асосан четқоқларга ўтказилади. Шу билан бирга 9, 12, 16 қаватли уйларни ҳам қуриш анча қамийди. Маълумки, аввалги йилларда қурилиш индустрияси асосан кўп қаватли, тўғрисиги 9-12 қаватли уй-жойларни қуришга йўналтирилган. Бу эса бизнинг қуруқ иқлим шароитларимизга эид эди. Шу ерда айтиб ўтиш кераки, баланд қурилмалар — бу ердан унумли фойдаланишга эмас, уни ночор аҳолга келтиришга олиб келади, чунки одам қанчалик ердан йироқлашса, шунча ер эгаси бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам энг рисоладагидек йўл — бу 3-4 қаватли уйлар бўлса керак деб, келажакда айнан шу ҳажмидаги турар жойлар барпо этилишига аҳамият берилди. Бош режа схемасида бундай уйлар фақат қавати билан ажралаб қолмасдан, балки ташқи ва ички кўриниши билан фарқ қилиши кўрсатиб ўтилган. Масалан, тўрт қаватли уйларда икки қатламдаги квартиралар бўлиши мумкин, яъни бу бир оила биринчи қаватдаги хонасидан иккинчи қаватдаги хонасига уй ичидаги зинаоялардан чиқиши мўлжалланган.

Умуман, 2015 йилгача аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида ҳар бир кишига 18,5 ва ундан ортиқ квадрат метр умумий уй-жой майдони белгиланган.

Пойтахт борасида мулоҳазаларимга ақун ясаб, ҳамкорликда олиб борган изланишларимизнинг барчаси ҳаётда ўз аксини топади деб умид қилман ва аминманки, Тошкент 15 йил ичида эмас, яқин орада янада гўзаллашиб, ривожланган пойтахт шахарлар қаторида ўз ўрнига эга бўлади.

Сўхбатни Тошкент шахар ҳокимлиги Матбуот хизмати ходими Ильяра ЗАЙНУТДИНОВА эътиборимизга олди.



Ана шу ишчи-хизматчилар орасида моҳир пайвандчилар Йўлдош Холиқов ҳамда Рафиқ Шайхметовлар ҳам бор. 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Йўлдош Холиқов шогирдлари

тирок этганимдан фахрланаман. Йўлдош ақанинг шогирдлари ҳам талайгина. Улар устозлари билан доимо ҳамкорликда меҳнат қилишади. Айни кунларда устоз ва шогирдлар Тошкент политехника коллежининг ўқув-ишлаб чиқариш устaxonасини бундан ташқари таълим ва тарбиялашда ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда.

— Ҳар бир ишнинг ўз масъулияти бўлади, — дейди моҳир пайвандчи, — ана шу масъулиятни аниқ сирларини ўргатишдан, ўз тажрибаларини кўрсатишдан асло эринмайди. Шу боис ҳам у киши ҳаммаслари ва ёшлар орасида ҳурмат-эътибор қозонган.

— Ҳар бир ишнинг ўз масъулияти бўлади, — дейди моҳир пайвандчи, — ана шу масъулиятни аниқ сирларини ўргатишдан, ўз тажрибаларини кўрсатишдан асло эринмайди. Шу боис ҳам у киши ҳаммаслари ва ёшлар орасида ҳурмат-эътибор қозонган.

Илгорларимиз УСТОЗ ВА ШОГИРД

Пойтахтимиздаги «Сантехгазмонтаж» бошқармаси ишчи-хизматчилари ҳам шахаримиздаги кўплаб иншоотлар қурилишида фаол иштирок этиб келишмоқда.


ятни зиммасига олган, уни дилдан хис этган одамгина муваффақиятларга эриша олади, хурматга эришад. Кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида ўрганишдан, тажриба эгаллашдан асло қарчамадим. Шахардаги кўплаб қурилишларда фаол иш-

тирок этганимдан фахрланаман. Йўлдош ақанинг шогирдлари ҳам талайгина. Улар устозлари билан доимо ҳамкорликда меҳнат қилишади. Айни кунларда устоз ва шогирдлар Тошкент политехника коллежининг ўқув-ишлаб чиқариш устaxonасини бундан ташқари таълим ва тарбиялашда ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда.


Илгорларимиз УСТОЗ ВА ШОГИРД

Пойтахтимиздаги «Сантехгазмонтаж» бошқармаси ишчи-хизматчилари ҳам шахаримиздаги кўплаб иншоотлар қурилишида фаол иштирок этиб келишмоқда.

нёд этишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар ўз меҳнатлари маҳсулидан — пишиқ-пухта қурилган бинолардан фойдаланаётган кишилар миннатдорчилигидан илҳом ва мадад олиб ишлашади. Ана шу мамнунлик уларни эзгу ишларга, одамлар



ушун меҳнат қилиш ва яратишга ундайди. Дилноза ГИЁСОВА. СУРАТЛАРДА: устоз ва шогирд Йўлдош Холиқов (чапда) ва Рафиқ Шайхметовлар. Сергей Любич олган суратлар.



Еш китобхоналар. Равил Альбеков олган сурат.

Мен қимман? Қандай одамман? МУРОСАСОЗЛИККА МУНОСАБАТИНГИЗ

«Муроаса қилиш керакми ёки йўқми? — Масала ана шунда». Жамиятда таркиб топган аъёнларни бузиш аҳлими ёки ёмони, деган мазоуда мунозаралар кўп бўлади. Соч-соқолларни қўйиб юбориб, қўнғирқочалар осиб олган «хиппи»ларни бутун инсониятнинг буюк конформистлари деб аташганда...

Ха ёки йўқ деган жавоб беринг.

- 1. Ҳаётга бўлган муносабатлари сизникидан бошқача бўлган бошқа ихтимой қатлам кишилардан дўст орттириши ёқтирасизми?
2. Мабодо, жамоатчилик ўртасидаги оммавий тадбир чоғида сизнинг кийимингиз алоҳида одамлар эътиборини тортаётганини сезиб қолсангиз, ўзингизни ноқулай сезасизми?
3. Узингиз яхши кўрадиган кийимингизни, у моддада бўлмаса ҳам, кийиб юрарасизми?
4. «Хиппи»лар ҳаракати ҳақида яхши гаплар айтиш мумкин деб ҳисоблайсизми?
5. Агар сизнинг «жонингизга тегса» — даромади ишингиздан воз кечасизми?
6. Мабодо, сизнинг одатдаги иш ва ҳаёт тарзингиз ўзгарса, бунга хотиржам қарай оласизми?
7. Бошқа мамлакатда яшаш имкониятини ҳурсанд бўлиб қутлиб олган бўлардингизми?
8. Агар сизга шундай бир шароит яратилса — ўтмишингиз ўрнига келажакда 50 йил яшашни афзал кўрардингизми?
9. Сиз ота-онангиз аъзо бўлган сивий партия сафидансиз (ёки унга аъзо бўлиб кирмайсизми)?
10. Мабодо, атрофдашлар сизнинг фикрингизни қўлбуқуватлашқиларини билсангиз ҳам ўз қарашларингизни баён эта оласизми?
11. Агар йўлда бир неча киши яшил чирок ёнишини кутиб турган бўлса, бошқалар билан бирга кутиб турмай, қўнғирқоч нариги томонга ўтиб кетасизми?
Жавоблар. 2 дан 11-саволгача ҳар бир жавобингизга 1 балл олинади. Бирок, мабодо 11-саволга «Ҳа» деб жавоб берсангиз, умумий йиққан балларингиздан ақралиб бештаки олиб ташлайсиз. Сиз бошқалардан ақралиб туришга журъат этишингиз мумкин. Лекин бунда ўзингизнинг ҳафсизлигингизга зарар келтириб, бошқалар учун ҳавфли бўлиб қолишингиз мумкин.

0-3. Сиз консерватив одам экансиз ва умум қабул қилган қоидаларга амал қилишга интиласиз. Қўнғирқоч, сиз ҳаётдан кўрқасиз, шунинг учун аввалдан таркиб топган ва ўзингиз учун ҳавф-хатарли бўлган ҳаёт тарзини афзал кўрасиз. Сиз ҳам ўзингизга жос равишда бошқалардан ақралиб турасиз. Зеро, сизда турли тажрибалару авентюраларга мойиллик йўқ.

4-8. Сизни турли расм-русумлар исқанжасида деб бўлмайдми-ю лекин шунга қарамай, жамиятда шаклланди аъёнларга амал қиласиз. Шунча балл тўлган экансиз, ўзингизни «уртамина конформистлар» қаторига қўйишингиз мумкин.

9-14. Сиз турли хил одамлар, жойлар ва нарсаларни ёқтиравсансиз, одамлар сизни нима дейишларидан «чўчимайсиз. Умуман олганда, сиз ростмана табиатли одам экансиз — сизга бемалол ишонса бўлади.

Ўқинг, бу қизиқ УЛУҒЛАР ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

Альберт Эйнштейндан бир таниш аёл кечкурун қўнғирқоч қилишини сўраб, номерим 24361, буни ёдда сақлаш қийин, яхшиси ёзиб олинг, — деди. — Э, йўқ, — деди физик — ўн иккинчи иккига кўпайтмас, ўн тўққизинчи квадрат — жуда осон экан.

Уран сайёрамини топган машҳур инглиз астрономи Гершель яхшигина оптик ва зур математик экан. У 1802 йилда Францияга келганда Наполеоннинг қабулида бўлади.

— Эртага нима иш қиласиз? — деб сўрабди император. — Орган концертга бораман, — деган экан астроном. Чунки Гершель жуда ақолий мусиқачи ҳам экан.

Бир кун Суворовдан «Жангларда неча марта жароҳатлангансиз?» деб сўрашибди. — Уттиз икки марта, — жавоб берибди қўмондон, — икки марта урушда ўқ теккан, ўн марта уйда ишлаганимда пайраха ва михлардан озор етган, йигирма марта Петербург саройида қабих сўзлар билан жароҳатланган.

Радио тўлқинларини кашф қилган Генрих Герц мактабда ўқиб юрганида тоқарлик касбига жуда қизиққан. Бир неча йиллар ўтган, муаллим у ҳақда дўстларидан сўраганида, дўстлари: — У машҳур физик бўлиб кетди, — дейишган. — Афсус, ақолий тоқар бўлиши мумкин эди, — деган экан муаллим.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.



ИШГА БОРИШИМ КЕРАК

Собик Иттифок даврида Ўзбекистонга чет элдан делегация келибди. Улар аҳолининг турмуши даражасини ўз кўзлари билан кўриш учун маҳаллани айланадан булшибди. Бир хонадонга киришса, эр хотинини беаъв ураётган экан. Делегация аъзоларидан бири сўрабди: — Хотинини нега ураялсан?

Делегацияни кузатиб юрган раҳбар хонадон соҳибига кўз қисиб қўйгач, у гап бошлабди: — Уйда музатгич, телевизор, қўша-қўша гилла-лар ва енгил машина бор. Хотиним бир ҳафтадан бери «Вертолёт олиб бераман» деб бошимни қотираяпти.

Бир шингил табассум

Улар ташқарига чиққан, раҳбар сўрабди: — Нега ураётган эдинг? — Фурайкамни кийиб, болаларга сут олиб келиш учун икки соат йўқ бўлиб кетди. Бу ёқда мен уни кийиб иша боришим керак.

Ёшлиқдаги ИСМ

Тиш-тирноғича қуроланган бир тўда гангстерлар тўсатдан банкка бостириб киришибди. Қатъий буйруқ янрабди: — Ёт! Ҳамманг ёт! Товушини чиқармай турган жойингда эш тубан ёт! Ётмаганинг отиласан! Банк хобимлари ҳам, мижозлар ҳам ўзарини тапталта ерга ташлашибди. Босқинчилардан икки киши кассабае ва сейфаеги пулларни халтага жойлай бошлабди. Эшик ёнида қалтираб турган икки мижознинг кўрқакчидан ётишса мижозли келмабди. Босқинчилардан бири уларга яқинлашиб қараса, мижозларнинг бири аёл киши экан.

— Исмнинг нима? — Гавиота. — Менинг онамнинг исми ҳам Гавиота эди. Сеникичи? — Хуан Карлос. Автоматнинг стволи буриб унга тўрилганини билан шошилиб қўшимча қилибди. — Лекин мен ёшлигимда Гавиота деб қақиривар эди.

ОШ ҚИЛИШНИ ТАШЛА

Ишдан қайтган эрни хотини очик чехра ва шод-хуррамлик билан кутиб олди. — Давонониси, кийимларингизни алмаштириб дарров дастурхонга кела қолинг, ош дамлаб қўйибман. Эр кийимларини алмаштириб, ювиниб, юқоридан жой олиши дастурхонга кирди. Ошнинг сабзи-пиёзи қўйиб кетган, гўшт қорайиб жусганаси чиққан, ёг ёнан бўлса керак, қуйинди ҳиди анқиб турибди, тузи ниҳоятда наст. Хотини ўзини оқлаш учун гап бошлабди: — Ошим жуда ўхшалибди-ю, жиндек туз ташлашим керак экан-да. — Йўқ, анжониси, сен овора бўлиб туз ташлаб юрма, яхшиси, ош қилишни ташла! Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Ҳар тўғрида

КИМ УЗОҚ ЯШАЙДИ?

Узоқ яшашни ким хоҳламайди. Бу ҳақда хорижий олимлар ҳамон изланади. Одамнинг яшашига нима таъсир этади? Мана шу савол устида иш олиб бораётган Калифорния университети олимлари ғаройиб янгилик кашф қилибди. Улар қуртлар устида тажриба ўтказишибди. Ундан узоқ яшашга доир генини топишган. Улар бундай генлар одамларда ҳам бор деган хулосага келишган. Семиз-қуртларда бу ген тез тугаши натижасида ҳаётдан кўз юмаркан. Шунинг учун улар юрган ерини тез-тез ўзгартириб оч юришга тиришар экан. Сабаби, шунда инсулин камаяди. Бу айрича протен ишлаб чиқариладиган гени кучай-

КОМПЬЮТЕРЛАР СЎЗЛАЙДИ

Жаҳондаги энг бош ишбилармон Нью-Орлеандаги сьезд минбаридан «Энди ўн йилдан кейин янги технология ҳаётда революция қилади: сўзлайдиган компьютерлар пайдо бўлади. Бундай компьютерлар кўра олади ҳамда сўзлай оладиган бўлади», деб ишонч билан айтган экан. Бирок унинг камчилиги: она тили инглиз тили бўладиганга ўхшайди. Қодирбой ТЎРАБОВЕВ.

«Яхши қиз узоққа кетмайди, у барибир ўз қишлоғига келин бўлади» дегани ота-боболаримиз. Зухранинг тақдирини ундай бўлмади. У ўз маҳалласидан анча узоққа — бой хонадонга келин бўлди-ю, аммо... Ҳабибулла ака саккиз фарзанднинг отаси, етти қиз, бир ўғли бор. Кенжа фарзанд ота-она учун жуда азиз бўларканми ёки у қариганимда белимга мадор, ўзимга суякчи бўлади, деб ўйлаганимдан Ҳабибулла ака ҳам «супрақоқди»си бўлмиш Зухрага бошқача меҳр қўйган. Шу сабабли Зухрани еру қўкка ишонмас, бир сўз билан айтганда қизи ўнинг жони-дили эди.

— Қиз бола бировнинг хасми. Шу боис у ақлли, доно, оқила бўлиб тарбия топиши керак, — дея ўйларди ота.

Дарвоқе, болаларнинг онаси Эйтибор опа анча йиллар аввал касаллик туғайли бандаликни бажо келтирган, Зухра эса ондан жуда эрта етим қолган. Ушанда у андигина бир ярим ёшга кирган эди. Уша қийин кезларда маҳалла фаолларининг «Сағирларингиз ҳали ёш, буларга она меҳри керак, уйланинг Ҳабибулла», дея берган маслаҳатлари зое кетди. «Фарзандларим ўғай она қўлида ҳурланмасин, уларга ўзим ҳам оталик, ҳам оналик қиламан», деган меҳрибон ота ўз сўзида турди. Уйланмади, кундуз кунлари автокорхонада ҳайдовчи, тунлари уч кунда бир маиший хизмат корхонасида қоровул бўлиб ишлади. Аммо болаларининг ёлғиз, қаровсиз қолдирамди. Қўни-қўшини, қариндошлари кўмағида ўзи тез-тез уйдан хабар олар, қолаверса тўнчи қизлари 13-14 ёшга қоралаган, оталари чизган чизикдан чиқмай, сингилларини парваришлад, ўй юмушларини вақтида бажариб ўтиришарди.

Хуллас кунлар кетидан ойлар, ойлар ортдан йиллар шу зайдга кетди. Ҳабибулла аканинг ҳамма фарзандлари ўқинишли бўлиб воғга етишди. Зухра эса одолиб, ҳаёли, пазанда, энг муҳими билими ўткир, зукко қиз бўлиб ўсди. Мактабни аъло баҳо-лар билан тугаллагач у шифокор бўлиш орузида тиббиёт институтига ўқишга ҳам кирди. Бу орада Ҳабибулла ака тўнчи қизларининг барчасини бирин-кетин турмушга берди, ўғлини уйлантирди. Лекин ҳамон унинг турмушини совчилар бузар, чунки фарзандларининг кенжаси Зухра

хам 18 ёшга тўлиб, маҳалланинг олди кизларидан бўлган. Кенжа қизини келажакда ниҳоятда бахтли кўрмоқни орзу қилган Ҳабибулла ака Зухрани тўқис хонадонга ухлатди. Қизига харидор бўлган маҳалладошларига, қариндошларига рад жавоб берди.

Ҳабибулла ака ўйлаганидек дабдабали тўй бўлди. «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр», дейдилар. Мол-дунёси кўп, таги бакуват амалдорларини тана оладиган қайнонага келин тарафининг эл қатори тайёрлаган сарпуси ёқмади. Айниқса ўғлига совға қилинган костюм-шимни кўриб росмана энгаси қотди.

Турмуш чорраҳаларида СЎНГГИ ПУШАЙМОН

«Киз ақлли-ҳушли дейишганига учибман-у, буюғини ўйламаган эканман. Олиб келган матохларинг бошингда қолсин, пасткашлар. Улақолсам ўғлимга бу костюм-шимни кийдирмасман». Авзойи бузилган қайнона тўй кунининг ўзданқоқовоғини осиб олиб қудаларга унча рўйхушлик бермади.

Зухра ҳамма хавас қилса арзийдиган келин эди. У мулоим, ҳушмуомала, ўй юмушларининг барчасини рисоладагидек уйддаларди. Ҳушларини ҳам жойида. Қайнона хурсанд. Лекин қайнона билан келиннинг юлдузи юлдузига тўри келмади. Қайнона Зухрани юрса ўпоқ, ўтирса сўпоқ дер, буниси етмаганидек, келиннга қўпол муомала қилар, илоҳи бўлса бирин ишдан камчилик топишга уринар, жерикиб, танбех бераверарди. Иродали, бардошли бўлганидан Зухра барисига чидади. Чунки бу вақтга келиб у оғирроқ бўлган. фикру хаёли тугиллажқ фарзандида эди.

Биринчи фарзанд қиз тугилди. Аммо келиндан фақат ўғил кутган қайнонага бу ёқмади, неварасини хушамайгина қарши олди-ю, муносабати Зухрага аввалгидек қолаверди. Инсоннинг асаби темирдан эмас. Кунда бўлмаса-да кунора оилада дилхиралликлар бўлаверса, айниқса ҳудуд-беҳуддаги кишини ноҳақ ҳафа қилишарса, қанча сабр-тоқатли бўлсангиз ҳам соғлиқнинг мазаси қочар экан. Зух-

рада ҳам шундай бўлди. Энди унинг боши ўқтин-ўқтин оғрийдиган, ўзи доимо тунд, хомуш юрадиган бўлиб қолди. Озиб-тўзиб, ранги бир ҳолу бир шаклга келган Зухра икки бора ши-фохонада даволашишга мажбур бўлди. Бу етмаганидек ўқиши ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, қайнона келин муносабатини яхшилашга, оиладаги муҳитни ўзгартиришга қайнона ва кўвнинг кучи етмайди? Афсуски, оилада қайнона ҳукмрон, айтгани айтган, дегани деган эди. Уғил ҳам онаси раъйига қарши боролмасди.

Орадан яна бир ярим йилча вақт ўтиб иккинчи фарзанд ҳам тугилди-ю оила деган муқаддас риштага дарз кетди. Чунки Зухра яна қиз кўрган эди. Бу сафар турғуқхонага ҳатто Қодиржон ҳам бормади. Зухрадан фақат ўз яқинлари ва отаси хабар олиб туришди. Бу ҳолга ажабланган Ҳабибулла ака қизини турғуқхонадан олиб келиш арафасида қуданикига борди. Афсуски, ўйда қизининг қайнона-тиги ҳам, Қодиржон ҳам йўқ эди. Қайнона бўлмиш совуқина салом-алиқдан сўнг гапнинг пўстқалласини айтиб қўқолди:

— Ўғлимга бошқа қизни олиб бераман. Менга нимжон, касалманд, фақат қиз туғадиган келин керакмас. Бу совуқ гапни эшитган Ҳабибулла ака устидан бир челақ сув қуйилгандек сесканиб тушди-ю: — Бу нима деганингиз, қизни берган Худо ўғилниям бериб қолар. Қизим сизга нима ёмонлик қилди? Эрак қудам ва кўвнинг билан ўзим гап-лашаман, — деди.

— Фойдаси йўқ, бу уйда менинг айтганим бўлади, хайр, — деди-ю қайнона дарвозани ёпиб ичкарига кириб кетди. На эрак қудам, на кўв билан урашиш ёш оилани тиклаб қололмади. Маҳалла фаолларининг аралашуви ҳам иш бермади. Хуллас, ёш оила катталар айби билан ажраб кетди. Ҳабибулла аканинг эса қизини хар кўрган-да юраги эзиларди, ўз хатосидан ўқинарди. Зухрани бахтли қиламан деб, тенгига бермаганидан, ақсинча, дунё-қарашини ўзгача, ҳаётнинг маъносини фақат бойлик билан ўлчайдиганларга адашиб қуда бўлганидан пушаймон қиларди...

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.

Бу ажиб дунё

ҒОЙИБДАН КЕЛГАН СОВҒА

«Кишиневские новости» газетасининг хабар қилишича, молдавский таникчи, режиссёр Николай Гибу яқинда давлат чегарасидан декларация рўйхатида кўрсатилмаган тилла буюмни олиб ўтди. Гибу ўзи божхона қодисини бузаётганидан мутлақо беҳабар эди. Режиссёр қўшини Украинанинг Измаил шаҳрига борганида бозордан суйиллиб тозаланган, лекин қорни ёрилмаган роз сотиб олганди. Ажаб хаётомалар! Гибу уйига қайтиб келгандан кейин бошланди. Гибу гоэнинг ошқозонини ёрганда унинг ичидан чирроли олтин ўқ чиқди. Энди режиссёр фильмлари билангина эмас, ғойибдан совға қилинган тилла тақинчоғи билан ҳам элга таниладиган бўлди.

ҚЎРҚАНГА ҚЎША ҚЎРИНАР

Қўшада бир оз сайр қилиб қайтган, ниҳий новгородлик пенсионер аёл уйи эшикларини ланг қилиб ётганидан эмас, балки хонасининг ўртасида қичкина жомадон турганидан қўриб кетди. Хона эшиги очилиб қолганидан қўрқмаган-лигининг сабаби, кампирнинг уйда ўйроллашга арзийдиган ҳеч нарса йўқ эди. Қичкина жомадонни қўриб қўриб кетганининг боиси — унинг ичидан портловчи модда бўлса керак, деган хабарга борганди.

Кўп ўтмай уйга милиция, факултетда вазиётлар вазириги бўлинимаси машиналари етиб келди, аҳоли эса тезда узоқроқ жойга кўчирилди. Сапёрлар жомадончани очганлариди эса... «Кўрққанга қўша қўринар», деб шуни айтсалар керак-да.

ЗАРАРНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

Спорт кийимлари ишлаб чиқаришда дунёга машҳур бўлган «Найк» (NIKE) фирмаси ҳақида эшитгансиз, албатта. Ҳозирда ушбу фирмага атрафда эш бераётган шов-шувлар ҳам қулгон-гизга қалинган бўлса керак. Зеро, жаҳон оммавий ахборот воситалари бу хусусда кўп ва хўп гапирдишяпти. Эшикчи, мазури фирма тайёрлаётган кийим-кечаларга ранг беришда ишлатилган кимёвий моддалар инсон саломатлиги учун ўта зарарли.

Шу бўлди-ю фирма мутасадди ташкилотлар томонидан вақтинча ёпилиди. Икки ҳафталик текширишлар бу шов-шувларнинг ҳаммаси асоссиз эканлигини кўрсатди. Ва фирма яна фаолият кўрсатаётди. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, бу шов-шувларнинг сабабчиси «Найк»нинг ўзи бўлиши ҳам мумкин. Чунки, шу баҳонада соҳа мижозларининг бутун эътибори уларга қаратилади. Аммо шу нарса ҳам маълумки, икки ҳафта иш тўхташи оқибатида фирма анча молиявий зарар кўрган.

АНТИКА ФУТБОЛ ҲАҚИДА

Ҳа, миллионлар йўни бўлган футболда мана шунчақадисалар ҳам юз бериб турадиркан. Ишонмайсизми, унда марҳамат. 1997 йилги Шарқий Осиё чемпионати гуруҳ уйларидаги оқирларидан бири. Майдонда Индонезия ва Таиланд терма жамоалари. Қизини шундан, хар иккала жамоа рақиб дарвозаси томон тўп суришни истаётгани шундоқ сезилиб туради. Ва бу ўз «самарасини» бериб индонезияликлар ўз дарвозаларига тўп киритишди. Уйин эса тўп ҳисоб билан ниҳоясига етди.

Ҳўш, бу антика Белла-шувнинг сирини нимада эди? Бойси, бу уйдага голиб чиққан жамоа гуруҳда биринчи ўринни эгаллар ва навбатдаги босқичда Вьетнам терма жамоасига рўбарў келарди. Ана шу кучли рақибдан қочиб ўчун хийла ишлатилди.

Бу масала кейинчалик Осиё футбол конфедерациясида кўриб чиқилди. Унинг қарори эса яна ҳам ҳайратланарли бўлди. Хар икки жамоа икки ҳафтага халқаро мусобақалардан четлатилди. Аммо ана шу икки ҳафта давомида на Индонезиянинг, на Таиланд терма жамоасининг бирор режалаштирилган йўни бор эди.

Шахмат ГРОССМЕЙСТЕР — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

Пойтахтимизнинг «Чигатоё Оқтепаси» маҳалласи нафақат Тошкентнинг, балки республикамизнинг энг намунали маскани деб топишга беҳиз эмас. Бу ерда маънавий-маърифий тадбирларга эътибор зўр. Спорт, чунки, шахмат билан ринчиликлар ҳам мунтазам ўтиб туради. Тадбирларни айтиб тугатиш қийин. Кўни кеч ул сафига яна бири қўшилди — маҳаллаликлар халқаро гроссмейстер Сайдулла Йўлдошев билан куч синишиб кўрдилар. Маҳалла аҳлининг кўпчилигини олимлар,

талабалар ташкил этганлигини назарда тутиб камна ўз сўхбати учун Берунийнинг шахмат ривожига қўшган ҳиссаси мавзусини танладим. Чунки, ҳинд шахмати ҳақидаги маълумотлар, шахмат кашфёфтчиси Суратан, бугўдоғи доналарининг сонини аниқловчи формула Берунийга тегишли экани йилганларда катта қизиқиш уйғотди. Савол-жавоблардан сўнг гроссмейстер бир йўла 20 тахта сеанс ўтказди. Уч соатдан ортиқроқ давом этган қизгин курашлардан сўнг ҳисоб гроссмейстер фойдасига 17:3 бўлди. Икки киши

— Миллий университет доценти Раҳматилла Иноғомов билан Фармацевтика институти домласи Олим Обидов гроссмейстер устидан голиб келиб, ёш Акмал Тўшхўжаев билан маҳалла оқсоқоли Хайрулла Мўминов дуранг натижага эришдилар. Тошкент шаҳар спорт кўмитаси билан биргаликда шу тадбирни уюштирган маҳалла оқсоқолига эсдалик учун камна китобларимдан биттасини совға қилдим. Маҳаллада энди болалар ўртасида ҳам шахмат мусобақаларини ўтказиш мўлжалланмоқда.

БИРИНЧИЛИК — ЯНА ЎЗИМИЗДА

Бундан уч-тўрт йил муқаддам тошкентлик шахматчилар Осиё китаси чемпионлигини қўлга киритиб, баҳоси 50 минг долларга тенг олтин Кубок билан тақдирланган холда Бирлашган Араб Амирликларидан қайтиб келган бўлсалар, бу ерда ташкил этиб турилувчи халқаро турнирларда ҳам доимо қатнашиб келмоқдалар. Шу йил бошида Амирликдан гроссмейстер Александр Ненашев галаба билан қайтган бўлса, кўни кеча Абу Дабида поёнига етган

яна бир халқаро турнир гроссмейстер Михаил Салтаевнинг йотуғи билан яқунланди. У тўққиз имкониятдан 6,5 очко ҳамгарди. Самарқандлик Шухрат Сафин билан Тоҳир Воҳидов эса 6 тадан очко билан кейинги совринларга эга бўлдилар. Алексей Борисов, Сергей Загребский ва Марат Жумаевлар ҳам жадвалнинг кўзга қўринарли жойини эришдилар. Мамажон МУХИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг фахрий президенти.

УРИНИБ КЎРИНГ-ЧИ Бу масалада отлар бош-лаб 4 уйдага қотар шохни мот қилади.



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес буйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА. «Тошкент оқшом» ижодий жамоаси газета хидими Дилшод Исроилова акаси Хотам ИСРОИЛОВнинг вафот этганига муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209 Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Рўйхатдан ўтти тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.